

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ЭРКИН САВДО ЗОНАСИ – КЕНГ ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТЛАР МАКОНИ

Президентимиз Ислон Каримовнинг МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқи катта қизиқиш билан ўрганилмоқда

Мамлакатимизнинг ҳамдўстлик давлатлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорлиги изчил ривожланиб бормоқда. Ижтимоий ва маданий алоқалар тобора мустаҳкамланмоқда.

Президентимиз Ислон Каримов МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг Минск шаҳрида бўлган мажлисида сўзлаган нутқида ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида амалдаги савдо режимига салбий таъсир кўрсатмайдиган принципларга асосланган тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантириш масаласига эътиборни қаратди. Бунда товар оқимлари тузилмасини диверсификация қилиш, ўзаро етказиб берилаётган товарлар турларини кенгайтириш ва энг муҳими, мувофиқлаштирилган ва самарали транспорт-коммуникация ҳамда тариф сиёсатини амалга ошириш улкан аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти жадал суръатларда ривожланмоқда. Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланмоқда. Саноат корхоналарининг модернизация қилинаётгани, соҳага замонавий технологиялар жорий этилаётгани самарасида жаҳон бозорида харидоргир, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг маҳсулотларини экспорт қилиш

учун зарур ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 8 августда қабул қилинган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Мазкур қарорга мувофиқ ташкил этилган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси хориж бозорларидаги талаб ва эҳтиёжларни ўрганиш орқали юртимиз ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш, экспорт операцияларини амалга оширишга қўмаклашади.

Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилган, экспорт қилувчи корхоналар учун бир қатор имтиёз ва афзалликлар берилган. Хусусан, экспорт қилувчи корхоналарнинг фойда ва мулк солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови умумий сотиш ҳажмида экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда – 30 фоизга, экспорт улуши 30 фоиз ва ундан кўпроқ бўлганда – 2 маротаба камайтирилган.

Бу борадаги ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган 9 ойида ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизга, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 9,4, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 15,9, чакана савдо айланмаси 14,7 фоизга ошди. Импорт ўрнини босиш самарадорлиги 4 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди, рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида 469 корхона экспорт фаолиятига жалб этилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 51,2 фоизга, экспортдаги улуши 19,1 фоизга ўсди. Улар томонидан қиймати 625,5 миллиард сўмлик маҳсулот сотилди ва бу умумий биржа айланмаси ҳажмининг 12,1 фоизини ташкил қилди.

Жорий йилнинг март-июнь ойларида бўлиб ўтган халқаро саноат ярмаркаларида иштирок этган 3 мингдан ортиқ корхоналаримиз 224,9 миллион АҚШ доллари миқдоридаги экспорт шартномалари имзолади. Шу кунларда пойтахтимизда давом этаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида дунёнинг 55 мамлакати, жумладан, МДХ давлатларининг компания ва фирмалари вакиллари иштирок этмоқда.

МДХ давлатлари бозори юртимиз ишбилармонлари учун ҳар томонлама, айниқса,

географик ва логистика жиҳатидан қулай. Рақамларга эътибор берсак, МДХ давлатларининг мамлакатимиз умумий экспорт ҳажмидаги улуши 2008 йилда 34,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилнинг 9 ойида қарийб 40 фоизга етган.

Эркин савдо зонаси мамлакатимизда саноат кооперациясини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишда муҳим роль ўйнайдиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун муҳим аҳамиятга эгадир. Бу тадбиркорларимиздан эркин савдо зонаси имкониятларидан самарали фойдаланишни, ўз салоҳиятини тўла ишга солиб фаолият юритишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг Эркин савдо зонасини ташкил этиш тўғрисидаги шартномага қўшилиши мамлакатимиз тадбиркорлари учун янги имкониятлар яратди. Ўз навбатида, мамлакатимизнинг изчил ривожланаётган бозори ва жадал ўсиб бораётган иқтисодиёти билан ушбу муҳим интеграция лойиҳасида иштирок этиши Шартноманинг барча қатнашчиларига катта фойда ва манфаат келтиради. Шу боис ушбу ташаббус мамлакатимиз тадбиркорларига янги куч, янги ғайрат бағишламоқда.

Алишер ШАЙХОВ,
Ўзбекистон Савдо-саноат
палатаси раиси.
(ЎЗА).

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2013 йил 7 октябрда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги УРҚ-355-сон Қонун имзоланди. Мазкур Қонунга биноан:

ТЕРМИНАЛ ЧЕКИ – ҲИСОБ ҲУЖЖАТИ ҲИСОБЛАНАДИ

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунга (30.08.1996 йилдаги 279-1-сон) киритилган ўзгартиришлар Президентнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони (24.08.2011 йилдаги ПФ-4354-сон) билан илгари киритилган меъёрни қонуний мустаҳкамланди. Мазкур меъёрга мувофиқ ҳўжалик юритувчи субъект-

лар томонидан савдо ва сервис соҳасида олинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақи корпоратив пластик карталардан фойдаланган ҳолда тўланганида тўлов терминалларининг чеклари ҳам бошлангич ҳисоб ҳужжатлари деб тан олинади.

СУГУРТА ҚИЛДИРУВЧИЛАРНИНГ РОЗИЛИГИ ОЛИНМАЙДИ

«Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунга (5.04.2002 йилдаги 358-II-сон) киритилган қўшимчалар мажбурий сугурта бўйича белгиланган мажбуриятнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органларига сугурта қилдирувчилар ва сугурталанган шахслар ҳақида сугурта қилдирувчиларнинг розилиги олинмаган ҳолда белгиланган тартибда сугурталовчилар томонидан маълумотнома тақдим этилишига имконият яратади.

Сугурта қилдирувчиларнинг ва сугурталанган шахсларнинг соғлиғи ҳолати, банк ҳисобварақлари мавжудлиги, ушбу ҳисобварақлардаги пул қолдиқлари ва пул ҳаракати ҳақидаги маълумотлар бундан мустасно. Бундай маълумотлар тўғрисидаги маълумотномаларни тақдим этиш учун сугурта қилдирувчиларнинг розилиги олинмиши керак.

НОГИРОНЛАР ҲИМОЯСИ УЧУН МАНСАБДОР ШАХСЛАР ЖАВОБГАР БЎЛАДИ

Қонун билан шундай тартиб киритилдики, унга биноан ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотларнинг айнан айбдор мансабдор шахслари жавобгарликка тортиладилар.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга (18.11.1991 йилдаги 422-XII-сон, 11.07.2008 йилдаги УРҚ-162-сон Қонун таҳририда) киритилган ўзгартиришларга мувофиқ ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз киришини, транспортдан, алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланишини таъминлашга доир вазифаларни бажармаганлик учун ташкилотларнинг мансабдор шахслари маъмурий жавобгарликка тортилади, уларга нисбатан энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 15 бараварига миқдорда жарима кўринишидаги жазо чоралари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда кўрсатилган.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг 15 бараваридан 30 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.



ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ

1-бетда

Маъмурий жазо чораси қўлланилганлиги ташкилотларни юқорида айтиб ўтилган талабларни бажариш мажбуриятидан озод этмайди (илгари бундай ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг иқтисодий жавобгарлиги ЭКИХнинг 70 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жаримани назарда тутган).

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини яратишга доир қарорларини бажармаслик мансабдор шахсларга ЭКИХнинг 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, мансабдор шахсларга ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жазо чораси қўлланилганлиги ташкилотларни ногиронларни иш билан таъминлашга доир талабларни бажариш мажбуриятидан озод этмайди (илгари ногиронларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам сонини яратишга доир давлат ҳокимияти органларининг қарорларини бажармаганлик ҳолатларида ташкилотлар ҳар бир ташкил қилинмаган иш жойи учун ходимларининг ўртача йиллик маошига тенг миқдорда жарима тўлашар эди).

Ихтисослаштирилган корхоналар, цехлар ва участкалар ногиронлар меҳнатидан фойдаланиш учун ногиронларнинг эҳтиёжларини ва маҳаллий хусусиятларни, кўзи ожиз ногиронлар шароитлари ўз имкониятларига мос келадиган ишлаб чиқаришда иштирок этишда имтиёзли ҳуқуққа эгалигини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар уйда ишловчи ногиронларга, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ногиронларга мазкур фаолият учун яшашга мўлжалланмаган жойлар берилишида, хом ашё олиши ва маҳсулот сотишида зарур ёрдам кўрсатади.

ГАРОВГА ҚЎЙИЛГАН МОЛ-МУЛК ЯГОНА БАЗАДА БЎЛАДИ

“Гаров реестри тўғрисида”ги Қонун (23.10.2013 йилдаги ЎРҚ-356-сон) кредитлар, заёмлар ва бошқа молиявий операцияларни расмийлаштириш таомилини такомиллаштириш ҳамда мол-мулкни гаровга беришда молиявий хизматлар кўрсатиш чоғида кредиторлар хатарини пасайтиришга йўналтирилган («СБХ»нинг 5.11.2013 йилдаги 44 (1004)-сонидан чоп этилган).

Қонунда ягона ахборот базаси кўринишида гаровни таъминлаш бўйича реестрни тузиш назарда тутилган. Марказий банк ҳузурида реестрни юритувчи ташкилот ёзув киритиш учун гаров реестрига кириш, шунингдек ундан реал вақт режимида, шу жумладан Интернет тармоғи орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди, ундан фойдаланиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатади, ёзув тўғрисида электрон шаклда, зарур ҳолларда эса қоғозда ахборот тақдим этади.

Қонунда мурожаат этган ҳар бир юридик ёки жисмоний шахс билан тузиладиган шартнома реестрга ёзув киритиш учун асос бўлиши белгиланган. Реестрга:

мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш (гаров) воситаси сифатида қарздорлар бериб қўйган мол-мулкка нисбатан кредиторларнинг ҳуқуқлари, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа асослардан, шу жумладан ушлаб қолиш, лизинг, товарга бўлган мулк ҳуқуқини товарнинг ҳақи тўлангунга қадар сотувчида (кредиторда) сақлаб қолган ҳолда уни сотиш, келажакда муайян ҳодиса юз берган тақдирда мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш, тўловни кечиктирган ёки бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда товарларни олиш-сотишдан юзага келадиган ҳуқуқлар тўғрисидаги;

ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган қарори тўғрисидаги;

қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир ҳуқуқларини чеклаш (сервитут, мол-мулкни хатлаш, банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш) тўғрисидаги;

қарздорнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларини тўлаш тўғрисидаги талаблар тўғрисидаги;

қарздорнинг таъминланган мажбурияти бажарилмаган тақдирда юзага келадиган бошқа талаблар тўғрисидаги ёзув киритилади.



Гаров реестрига ёзув киритиш фойдаланувчи томонидан электрон шаклда амалга оширилади. Ёзув уни киритиш вақти ва санаси кўрсатилган ҳолда автоматик равишда қайд этилади. Унга ягона рўйхатдан ўтказиш рақами берилади. Ёзувни киритиш вақти ва санаси ҳақидаги маълумотлар жуда зарурдир. Улар кредиторнинг қарздор ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолларда бошқа кредиторлар ва учинчи шахслардан олдин ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратишга, бошқа талабларни қаноатлантиришга бўлган навбатини, имтиёзли ҳуқуқини аниқлаш учун асос бўлади.

Кредитор томонидан ёзув киритиш қарздорнинг

электрон ҳужжат тарзида ёки қоғозда расмийлаштириладиган розилиги билан амалга оширилади, қарздорнинг розилиги гаров реестридан ёзув чиқариб ташлангунга қадар кредиторда сақланиши керак.

Қарздорнинг розилигисиз қуйидагилар амалга оширилади:

суднинг ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарори тўғрисида ёзув киритиш ёхуд киритилган ёзувдан мол-мулкнинг бир қисmini чиқариб ташлаш ёки ундаги ахборотни ўзгартириш;

қарздорнинг зиммасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар бўлган тақдирда, ёзув киритиш;

қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир ҳуқуқларини чеклаш (мол-мулкни хатлаш, банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш) тўғрисида ёзув киритиш.

Гаров реестрига ёзув киритилганлиги учун ундириладиган ҳақ миқдори Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Қонунда гаров реестридаги ёзувни ўзгартириш, чиқариб ташлаш ва сақлаш тартибини белгиловчи меъёрлар, гаров реестри тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик ҳам айтиб ўтилган.

Мазкур Қонун 2014 йил 1 июлдан кучга киради.

СУД БОШҚАРУВЧИЛАРИГА ВАКОЛАТ БЕРИЛДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 8.10.2013 йилдаги 277-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодий ночор корхоналарнинг суд бошқарувчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (23.03.2004 йилдаги 138-сон) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Улар корпоратив бошқарув сифатини яхшилаш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий аҳволи барқарорлиги юзасидан уларнинг раҳбарлари ва мулкдорларининг масъулиятини ошириш мақсадида Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидаларини (ВМнинг 14.08.2013 йилдаги 224-сон қарори билан тасдиқланган) ўрнатиш билан боғлиқ.

Суд бошқарувчилари тўғрисида низомга (ВМнинг 138-сон қарорига 1-илова) киритилган ўзгартиришлар муваққат, ташқи ва тугатиш бошқарувчиларининг улар ҳўжалик суди томонидан тайинланган пайтларидан бошлаб ваколатлари кенгайтирилди. Эсла-тиб ўтамизки, ҳўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги аниқ иш бўйича қуйидаги турдаги суд бошқарувчилари тайинланади: кузатиш тартиботи жорий этилганда – муваққат бошқарувчи; ташқи бошқарув жорий этилганда – ташқи бошқарувчи; тугатишга доир иш бошланганда – тугатиш бошқарувчиси. Энди уларга сохта банкротлик ва банкротликни яшириш аломатларини ошкор этиш вазифаси топширилди.

МДХ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	4.11.2013	1	0,7844	1	1,0574	1	0,0242
Арманистон	1.11.2013	1	405,26	1	548,11	1	12,58
Беларусь	5.11.2013	1	9220,00	1	12440,00	1	285,00
Грузия	4.11.2013	1	1,6719	1	2,2614	100	5,1953
Қозоғистон	4.11.2013	1	154,25	1	208,78	1	4,79
Қирғизистон	5.11.2013	1	48,4862	1	65,5146	1	1,5067
Латвия	4.11.2013	1	0,519000	1	0,702804	1	0,016100
Литва	5.11.2013	1	2,5589	1	3,4528	1	0,07902
Молдова	4.11.2013	1	12,8487	1	17,3631	1	0,3987
Россия	2.11.2013	1	32,1808	1	43,6179	—	—
Тожикистон	4.11.2013	1	4,7721	1	6,6102	1	0,1505
Украина	14.10.2013	100	799,3000	100	1084,3304	10	2,4813
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 5 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари.....	2066,15	1 Польша злотийси.....	701,83
1 Англия фунт стерлинги.....	3468,05	1 СДР.....	3337,01
1 Дания кронаси.....	393,75	1 Туркия лираси.....	1082,51
1 БАА дирҳами.....	593,14	1 Швейцария франки.....	2386,68
1 АҚШ доллари.....	2178,56	1 ЕВРО.....	2961,92
1 Миср фунти.....	316,23	10 Жанубий Корея вонини.....	20,51
1 Исландия кронаси.....	17,93	10 Япония иенаси.....	220,64
1 Канада доллари.....	2091,55	1 Россия рубли.....	67,70
1 Хитой юани.....	357,22	1 Украина гривнаси.....	272,56
1 Малайзия ринггити.....	686,16		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

УШБУ
СОҢДА

• УСТУВОРЛИКЛАР

- Эркин савдо зонаси — кенг иқтисодий имкониятлар макони

1-бет

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Валюталар курси

1-3-бетлар

• БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР

- Жамият жамиятга қўшилса...
- Автотранспортга касса аппаратурини ўрнатиш мумкинми?
- Жамғармаларга солиқ ажратишга мажбур мизми?
- Валюта курсининг ҳисобида адашманг
- Бола парвариши бўйича нафақа ҳисоб-китобида доир

4-5-бетлар

• ҲЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ

- Тугатиш жараёнида мол-мулкни тақсимлаш
- Ҳаммасини шартномада қайд этиш керак
- Янги корхонага директор қачон тайинланади

6-бет

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

- Ўриндош ходима дам олишга ҳам,

туғишга ҳам ҳақли

- Таҳсил олиб келдингизми — ишлаб бering!

7-бет

• КРИМИНАЛИСТ ЭКСПЕРТ ЁН ДАФТАРИДАН

- Ишга ечимни оёқ изларидан излаб

8-бет

ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Ушбу ҳаракатлар якунларига кўра улар тегишли органларга бошқарувчи имзолангандан кейин 10 иш кунидан кечикмай, сохта банкротлик ва банкротликни яшириш аломатлари мавжудлиги тўғрисидаги хулосани – кредиторлар йиғилишига, хўжалик судига ва прокуратура органларига; сохта банкротлик ва банкротликни яшириш аломатлари мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулосани – кредиторлар йиғилишига, хўжалик судига белгиланган тартибда тақдим этади.

Суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида низомда (ВМнинг 138-сон қарорига 2-илова) учинчи тоифали аттестат олишга талабгор шахслар тақдим этадиган ҳужжатлар рўйхатига тегишли давлат органининг судланганликнинг бекор бўлиши ёки судланганликнинг олиб ташланиши тўғрисидаги маълумотномаси, шунингдек паспортнинг нусхаси ҳам киритилди.

Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ энди тўртинчи тоифали аттестат учун талабгордан аризасини кўриб чиқиш чоғида операцион харажатларни қоплаш учун ЭКИХнинг 2 баравари миқдорида тўлов ундирилмайди. У тест имтиҳонини қайта топширганда ҳам тўлов тўламайди, бу тўлов ЭКИХнинг 1 бараварига тенг эди (*тўртинчи тоифали аттестат юридик шахсларнинг соддалаштирилган банкротлиги таомилларини ўтказиш учун берилади*).

Ҳужжат билан тўртинчи тоифали аттестат учун талабгорлар билимларини баҳолашда ижобий жавобларни аниқлаш мезонлари жорий этилди. Бундан буён тест имтиҳони топширишда камида 50% ижобий жавоблар олиш лозим.

Бундан ташқари, қўшимчалар билан Давлат рақобат қўмитаси томонидан аттестатнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 3 йил мобайнида аттестат талабгори тест имтиҳонларини қайта топширишга қўйилмайди деб белгиланди.

ЭКСПОРТЧИЛАРГА ТАЛАБЛАР ЎЗГАРТИРИЛДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 21.10.2013 йилдаги 285-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (29.06.2000 йилдаги 245-сон) ўзгартиришлар киритилди.

Эслатиб ўтамизки, Президентнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (8.08.2013 йилдаги ПҚ–2022-сон) билан қарор ижроси юзасидан ўзгартиришлар киритилди ҳамда ташқи савдо операцияларини амалга оширишга талаблар белгиланди. Шундай қилиб, марказлаштирилган экспортни амалга оширувчи экспортчилар учун экспорт операциялари бўйича тушум тушиши ёки қайта олиб кириш муддати товарлар, ишлар ва хизматлар амалда экспорт қилинган кундан бошлаб 90 кундан деб белгиланди.


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт контрактини суғурта қилиш бўйича полис мавжуд бўлганда олдиндан тўламасдан, аккредитив очилмасдан ёки кафолатсиз тушум тушиши ёки қайта олиб кириш муддати билан 180 кун мобайнида товарлар, ишлар ва хизматларни хорижий валютага экспорт қилишга ҳақлидирлар. Марказлаштирилмаган экспортни амалга оширувчилар учун ушбу муддат 60 кундан иборат.

Мазкур ҳуқуқлар, шунингдек жарима санкциялари қўлланиладиган шартларга ўзгартиришлар киритилмади, улар Вазирлар Маҳкамасининг 245-сон қарорида ўз аксини топди ва қарорнинг 4-бандида кўрсатиб ўтилди.

СУДЛАР: ИШ ҲАЖМИ КАМ БЎЛСА...

Президентнинг 4.10.2013 йилдаги ПФ-4570-сон Фармони билан туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тасдиқланди.

Ҳужжатда туманлараро, туман (шаҳар) судлари сонини ошириш, иш билан бандлигини мақбуллаштириш ва фаолиятини янада такомиллаштириш назарда тутилган. Ўзгартиришлар судларнинг иш юкланмаси ҳақидаги маълумотларга асосланган. Шуни таъкидлаш муҳимки, ҳужжатда авваламбор фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида аҳолининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишларини таъминловчи фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятини мақбуллаштириш



ҳақида сўз бормоқда. Фуқаролик ишлари бўйича қуйидаги 12 та янги туманлараро (туман) суди тузилади: Тошкент вилояти фуқаролик ишлари бўйича Қуйи Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ, Қашқадарё вилояти фуқаролик ишлари бўйича Касби ва Яккабоғ, Жиззах вилояти фуқаролик ишлари бўйича Фориш ва Ғаллаорол, Навоий вилояти фуқаролик ишлари бўйича Учқудуқ туман судлари ва ҳ.к.

Янги тузилаётган фуқаролик ишлари бўйича туманлараро (туман) судларини тўлдириш ҳамда иши энг кўп бўлган амалдаги туманлараро (туман) судлари ходимларининг сонини кўпайтириш учун фуқаролик ишлари бўйича судлар судьяларининг сони 71 тага кўпайтирилади. Иш ҳажми камроқ бўлган судлардаги 23 та штат лавозими иш ҳажми кўпроқ бўлган судларга ўтказилади.

Олий суд тузилмасида унинг ходимлари умумий сони доирасида Судлар ташкилий фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ва Ахборот-таҳлил бўлими тузилади. Бошқарма зиммасига судларнинг ижро интизоми, ишларни ўз вақтида кўриб чиқиши устидан назорат қилиш вазифалари, шунингдек судлар ташкилий фаолиятини, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишга доир ишларини такомиллаштириш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва уларнинг малакасини оширишга доир ишларни амалга ошириш функциялари юклатилади. Ахборот-таҳлил бўлими судлар фаолиятини тизимли тарзда ўрганиб бориш ва умумий юрисдикция судларидаги судлов ишларининг аҳволи тўғрисидаги материалларни Олий суди Пленуми, Раёсати муҳокамасига йилнинг ҳар чорагида кириш вазифалари унинг зиммасига юклатилади.

Шунингдек фуқаролик ҳамда жиноят ишлари бўйича вилоят судлари ва уларга тенглаштирилган судларда суд амалиёти ва статистикаси таҳлили бўлимлари тузилади.

КИЧИК КОРХОНАЛАРГА 20 ЭКИХНИ ИНКАССАЦИЯ ҚИЛИШЛАРИГА РУХСАТ БЕРИЛАДИ

Марказий банк бошқаруви қарори (АВ томонидан 14.10.2013 йилда 622-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган) қарори билан Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритилди.

Ўзгартиришлар жисмоний шахслардан валютани сотиб олиш ва сотиш операцияларини амалга ошириш тартибини, шунингдек оқибатида банкларга нисбатан молиявий санкциялар қўлланиладиган конверсион операциялар бўлими ҳамда айирбошлаш шохобчаси ходимларига қўйиладиган талабларни бузиш ҳолатлари рўйхатига дахл қилди. Эслатиб ўтамизки, айтиб ўтилган рўйхат қабул қилинган ва кейинчалик ўз кучини йўқотган қонун ҳужжатлари, масалан, Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2183, 17.01.2011 йил; МБ бошқарувининг АВ томонидан 20.03.2013 йилдаги 2183-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори кучга кириши билан ўз кучини йўқотди) қоидаларига мувофиқ шакллантирилган эди.

Банкларга нисбатан жарима санкциялари ўзгармади – тартиб бузиш ҳолатларида ҳар бир ҳолат учун устав капитали ўрнатилган энг кам миқдорининг 0,01 фоизи миқдорида, бироқ устав капитали ўрнатилган энг кам миқдорининг 0,1 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима ундирилади.

Санкциялар ваколатли банкларда жисмоний

шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 2437, 20.03.2013 йил) ҳамда Ваколатли банкларнинг конверсион операциялар бўлими ҳамда айирбошлаш шохобчаси ходимларига қўйиладиган малакавий талаблар, уларни ишга қабул қилиш ва ротацияси регламентида (рўйхат рақами 2415, 25.01.2013 йил) келтирилган талаблар бузилган тақдирда қўлланилади.

Санкциялар қўлланиладиган тартиббузарликлар сирасида қуйидагилар ҳам бор:

Ваколатли банклар томонидан чет эл валютасига бўлган талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда белгиланган нақд миллий валютага чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш курслари тўғрисида ваколатли банклар раҳбарларининг буйруғи мавжуд бўлмаганда;

конверсион бўлимда тўлов терминаллари, ҳисоблаш техникаси, тегишли дастурий таъминотга эга Банклараро ягона электрон тизимга уланган компьютер техникаси, телефон алоқаси, ёнмайдиган темир шкаф (сейф), зарур норматив ҳужжатлар ва маълумотнома материаллари, ёнгин хавфсизлиги сигнализацияси ва видеокузатув камералари бўлмаганда;

ваколатли банк раҳбарининг конверсион бўлимда кун давомида нақд пулсиз чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш миқдори кўрсатилган буйруғи мавжуд бўлмаганда.

Киритилган қўшимчаларга мувофиқ банк (филиал) кассасига шу банкнинг (филиалнинг) мижозлари бўлган хўжалик юритувчи субъектлардан бевосита ўзи олиб келиб топшириш (самонос) йўли билан нақд пул маблағларини қабул қилганлик ҳолларида банкдан ҳар бир аниқланган ҳолат учун, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар нақд пул тушумини самонос йўли билан асосий ҳисобрақам очилган банкка (банк филиалига) топширган ҳолларда банкдан жарима ундирилмайди. Бунда топшириладиган тушум миқдори энг кам иш ҳақининг 20 бараваридан кам бўлиши керак.

ҲОСИЛ МЎЛ БЎЛСА, ИМТИЁЗЛАР ҲАМ КЎПАЯДИ

Қишлоқ ва сув хўжалиги, Молия ва Иқтисодиёт вазирликларининг қарори (АВ томонидан 18.10.2013 йилда 2518-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унда белгиланишича, ҳисобот йилида пахта хом ашёсини етиштиришда камида 20 гектар майдонда 40 ц/га дан ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликлари қуйидаги имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи сертификат олиш имкониятига эга бўладилар:

хўжалик ер участкасида бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини экиш;

агротехник тадбирларни амалга ошириш учун таъминотчи ташкилотлар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали экилган экин тури учун дизель ёқилғиси ва минерал ўғитларни олдиндан 100 фоиз тўловни амалга оширган ҳолда харид қилиш;

туман (шаҳар) ҳокимлиги захирасидаги ер майдонлари бўйича ўтказиладиган танловларда 10 баллгача олиш;

қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар олиш;

“Женерал Моторс Ўзбекистон” ЁАЖда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллардан биттасини депозит ҳисобварағидан пул маблағларини ўтказиш йўли билан навбатсиз харид қилиш;

қишлоқ жойларида куриладиган намунавий уй-жойлардан бирини навбатсиз харид қилиш;

суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етказиб бериш бўйича танловда барча шартлар бўйича тенг балл тўпланган ҳолларда устуворликка эга бўлиш.

Фермер хўжаликлари ушбу имтиёзлардан бир йилда бир марта фойдаланиши мумкин. Масъул бўлган ташкилотлар сертификат эгаси уларга мурожаат этган кундан бошлаб 3 ой давомида имтиёзларни тақдим этишлари лозим.

Низомда сертификат олиш тартиби ҳам назарда тутилган.

Қарор 21.10.2013 йилдаги 42 (594)-сон “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”да расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юристимиз Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.

ЖАМИЯТ ЖАМИЯТГА ҚЎШИЛСА...

Масъулияти чекланган жамият бошқа масъулияти чекланган жамиятга қўшилмоқчи (иккаласи ҳам ЯСТ тўловчиси ҳисобланади).

- 1) Жамиятларни қўшиш пайтида қандай ҳужжатлар расмийлаштирилади?
- 2) Жамиятлар қўшилиши натижасида қандай солиқ оқибатлари юзага келади?
- 3) Қўшилаётган (туғатилаётган) МЧЖнинг мол-мулклари, товар-моддий бойликлари, банкдаги пул маблағлари, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари қандай расмийлаштирилади?
- 4) Қўшилаётган (туғатилаётган) МЧЖда таъсисчиларнинг улушлари қандай тақсимланади?
- 5) Солиқ текшируви ўтказиладими?
- 6) Қўшилаётган (туғатилаётган) МЧЖда ва қўшиб олаётган МЧЖда бўладиган барча ҳужалик ва банк муомалаларининг бухгалтерия ўтказмалари қандай ёзилади?

А.Жуманиёзов,

“Жасмин Шовот” МТП МЧЖ бухгалтери.

– 1. Қўшиб олиш таомили юридик шахсни қайта ташкил этиш ҳисобланади ҳамда Фуқаролик кодексининг 49-моддаси, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг (6.12.2001 йилдаги 310-II-сон, кейинги ўринларда – 310-II-сон Қонун) 51-моддаси, 23-сон БХМС «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш» (АВ томонидан 27.06.2005 йилда 1484-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

Корхоналар қайта ташкил этилганда қуйидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

Қўшиб олинаётган жамият:

иштирокчиларнинг умумий йиғилишини ўтказиб, унда қайта ташкил этиш тўғрисида, қўшилиш тўғрисидаги шартномани тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиши, топшириш далолатномасини тасдиқлаши (310-II-сон Қонун 49-моддасининг иккинчи қисми);

барча кредиторларни хабардор қилиши;

ОАВда қайта ташкил этиш тўғрисида ахборотни чоп этиши;

рўйхатдан ўтказувчи орган реестридан кўчирма олиши керак (ВМнинг 20.08.2003 йилдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида низом 76-бандининг учинчи хатбошиси, кейинги ўринларда – 357-сон Низом).

Қўшиб олаётган жамият:

иштирокчиларнинг умумий йиғилишини ўтказиб, унда қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиши ва қўшиб олиш шартномасини тасдиқлаши;

қўшиб олаётган МЧЖнинг таъсис ҳужжатларига жамият иштирокчиларининг таркибини янгиллаш, улар улушларининг миқдорларини белгилаш, қўшиб олиш тўғрисидаги шартномада назарда тутилган бошқа ўзгаришларни киритиш мақсадида қўшиб олишда иштирок этаётган жамият иштирокчиларининг биргаликдаги умумий йиғилишини ўтказиши, шунингдек зарурат бўлганда бошқа масалаларни, шу жумладан қўшиб олаётган МЧЖ органларини сайлаш масаласини ҳал қилиши;

қўшиб олинаётган жамият билан биргаликдаги умумий

йиғилиш ўтказилганидан кейин рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидагиларни тақдим этиши керак:

- 1) ариза;
- 2) иштирокчилар биргаликдаги умумий йиғилишининг таъсис ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарори;
- 3) қўшиб олаётган жамиятнинг муҳри билан тасдиқланган



ўзгариш ва қўшимчалар матни, 2 нусхада;

- 4) давлат божи тўланганлиги тўғрисида банкнинг тўлов ҳужжати;
- 5) кредиторлар ёзма равишда хабардор қилинганлиги тасдиғи;
- 6) оммавий ахборот воситаларида қайта ташкил этиш тўғрисида чоп этилган хабарнинг матни;
- 7) топшириқ далолатномаси;
- 8) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳноманинг асл нусхаси, қўшиб олинаётган юридик шахснинг муҳри ва штампи (357-сон Низомнинг 72-банди);
- 9) қўшиб олинаётган жамиятнинг рўйхатдан ўтказган органнинг реестридан кўчирма.

2. Солиқ кодексининг 355-моддасига асосан ялпи тушум солиқ солиш объекти бўлиб ҳисобланади. Ялпи тушум таркибига товарларни (ишларни, хизматларни) қўшилган қиймат солиғини чегирган ҳолда (қўшилган

қиймат солиғи тўлашга ўтган солиқ тўловчилар учун) реализация қилишдан тушган тушум ҳамда бошқа даромадлар киради. Солиқ кодексининг 132-моддасида бошқа даромадлар таркиби белгиланган бўлиб, жамиятлар қўшилиши натижасида юқорида кўрсатиб ўтилган моддалар талабларига асосан солиқ солиш объекти вужудга келмайди ва, ўз навбатида, солиқ оқибатлари ҳам юзага келмайди.

3. 310-II-сон Қонун 51-моддасининг тўртинчи хатбосида бир жамият бошқасига бирлаштирилганда топшириш далолатномасига мувофиқ бирлаштирилаётган жамиятнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бирлаштириб олаётган жамиятга ўтиши белгиланган.

4. Таъсисчилар улушлари миқдори юқорида кўрсатиб ўтилганидек, қўшиб олаётган жамият томонидан қўшиб олишда иштирок этаётган жамият иштирокчиларининг биргаликдаги умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

5. Қонунчиликда юридик шахсни қайта ташкил қилишда солиқ текшируви ўтказилиши кўзда тутилмаган.

6. 23-сон БХМСда қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг жорий фаолияти билан боғлиқ товар-моддий бойликларни сотиш, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш, топширилаётган мулк бўйича амортизацияни ҳисоблаш, ходимларга меҳнат ҳақини ҳисоблаш, тегишли бюджетлар билан солиқлар, йиғимлар ва тўловлар бўйича ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш, топшириш далолатномасига киритилиши лозим бўлмаган келгуси давр харажатларини, масалан, ҳуқуқлари ҳуқуқий ворислик тартибида берилиши мумкин бўлмаган фаолиятни амалга ошириш учун лицензия олиш харажатларини ва бошқа шунга ўхшаш харажатларни ҳисобдан чиқариш кабилар амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этишда якуний молиявий ҳисобот фақат қўшиб олинаётган корхона томонидан унинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув Реестрга киритилишидан олдинги кунгача бўлган ҳолатга кўра тузилади. Бунда якуний молиявий ҳисобот тузилгунга қадар даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш счётини ёпиш ва қўшиб олинаётган корхонанинг соф фойдаси суммасини муассисларнинг қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори (шартномаси)да белгиланган мақсадларга йўналтириш (тақсимлаш) амалга оширилади. Қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этишда қайта ташкил этилаётган корхонанинг жорий фаолияти билан боғлиқ барча операциялар, шунингдек топшириш далолатномаси тасдиқланган санадан бошлаб ўтган даврда амалга оширилган қайта ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар қўшиб олинаётган корхона фаолиятининг тўхтатилиши ҳақидаги ёзувни Реестрга киритиш санасига қадар ўз фаолиятини тўхтатаётган корхонанинг бухгалтерия ҳисобида ва якуний молиявий ҳисоботида акс эттирилади. Бунда бухгалтерия ўтказмалари 21-сон БХМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» (молия вазирининг АВ томонидан 23.10.2002 йилда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган) талаблари асосида амалга оширилади.

АВТОТРАНСПОРТГА КАССА АППАРАТИНИ ЎРНАТИШ МУМКИНМИ?

Мен якка тартибдаги тадбиркор сифатида эшик ва дераза ромларини тайёрлаб, уларнинг чакана савдоси билан шуғулланаман. Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида ўзимга тегишли юк автотранспортимга назорат-касса машинасини ўрнатиб, тайёрланган эшик ва ромларни мижозларнинг ҳузурига олиб бориб сотмоқчиман.

Автотранспортга касса аппаратини ўрнатиш мумкинми?

“Хўжаназаров Зокир” якка тартибдаги тадбиркор.

– Юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пулга товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланиши Вазирлар Маҳкамасининг “Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори (17.11.2011 йилдаги 306-сон, кейинги ўринларда – 306-сон қарор) билан тартибга солинади.


Ушбу қарор ва бошқа қонун ҳужжатларида фискал хотирага эга бўлган НКМни автотранспорт воситаларига

ўрнатиб, мижозларга хизмат кўрсатиш тартиби белгиланмаган.

306-сон қарорнинг 3-иловасида юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз фаолияти хусусиятига кўра аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни НКМни қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган айрим тоифалари рўйхати келтирилган бўлиб, унда тургун жойдан ташқаридаги маиший хизматлар, темирчилик, тунукачилик ишлари билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳам бор.

Ўз фаолиятининг хусусиятига кўра аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни НКМни қўлламасдан амалга ошири-

ши мумкин бўлган хўжалик юритувчи субъектлар аҳоли билан ўзаро ҳисоб-китобларни низомда келтирилган шакл бўйича давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган, қатъий ҳисобот бериладиган бланкалар ҳисобланадиган квитанциялар, чипталар, талонлар ёки чекка тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни мажбурий тартибда ёзиши ва буюртмачига (харидорга) бериши шартлиги, хўжалик юритувчи субъект квитанциялар (чипталар, талонлар ёки чекка тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар)ни рўйхатдан ўтказиш учун аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга ошириш бошлангунга қадар давлат солиқ хизмати органларига мурожаат қилиши кераклиги, давлат солиқ хизмати органлари эса кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни 2 кун муддатда рўйхатдан ўтказишлари лозим (306-сон қарор билан тасдиқланган Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда



фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисида низомнинг IV-бўлими).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, сиз мижозларга қулайлик яратиш мақсадида ўзингиз тайёрлаган эшик ва дераза ромларини мижозларнинг ҳузурига олиб бориб сотаётганингизда давлат солиқ хизмати органларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган қатъий ҳисобот бериладиган бланкалар бўлмиш квитанциялар, чипталар, талонлар ёки чекка тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни ёзиб беришингиз, яъни харидорга (мижозга) товарни нақд пулга савдо қилишингиз мумкин бўлади.

ЖАМҒАРМАЛАРГА СОЛИҚ АЖРАТИШГА МАЖБУРМИЗМИ?

“Фаргона Умид” сугурта агентлиги хусусий кичик корхонамиз умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхона ҳисобланади. Амалдаги қонун ҳамда меъёрий ҳужжатларга кўра, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаш бўйича биз учун имтиёзлар назарда тутилганми?

Ғ.Исомиддинов,
корхона бош бухгалтери.

– Солиқ кодексининг 312 ва 316-моддаларида нотижорат ташкилотлар (бундан уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадлари мустасно), ягона солиқ тўловчиси тўловчи юридик шахслар ҳамда умумбелгиланган солиқларни тўловчи микрофирма ва кичик корхоналар (акциз тўланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олувчи микрофирма ва кичик корхоналардан ташқари) Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ҳамда Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўловчилар ҳисобланмаслиги белгилаб қўйилган.

Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратма келсак, Президентнинг 25.12.2012 йилдаги

ПҚ-1887-сон қарорига 22-иловада Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг солиш объектлари рўйхати келтирилган бўлиб, унда уларнинг бир хиллигини кўриш мумкин.

Демак, сизнинг корхонангиз акциз тўланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олиш фаолияти билан шуғулланмаган тақдирда, пенсия, йўл ҳамда таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўламайди.

Жавобни экспертмиз
Умидбек САҒАРОВ тайёрлади.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

БОЛА ПАРВАРИШИ БЎЙИЧА НАФАҚА ҲИСОБ-КИТОБИГА ДОИР

Ҳурматли таҳририят!

Мен бюджет ташкилотидида ишлайман. 2012 йил декабрда иккинчи фарзандим туғилди. 2013 йил 1 июндан бошлаб болани парвартириш бўйича нафақа оламан.

Бугунги кунда маҳалла қўмитасини текшираётган комиссия менга нафақа нотиғри тайинланган деган хулосага келмоқда. Гап шундаки, турмуш ўртоғимга февраль ойида 704 491 сўм, март ойида 392 792 сўм иш ҳақи ҳисобланган. Апрель ойида эса у иш ҳақи ҳисобланмайдиган таътилда бўлган. Бу ҳолда унинг уч ойлик жами даромади 1 097 283 сўмга тенг.

Аммо комиссия ушбу даромад икки ой (февраль-март) давомида олинган деб, оиламизнинг ўртача ойлик даромадини ҳисоблашда турмуш ўртоғимнинг февраль, март, апрель ойларига тўғри келадиган иш ҳақи суммасини икки ойга бўлмоқда. Натижада текширувчиларнинг фикрича, оиламиз даромади нафақа тайинланиши мумкин бўлган меъёрдан кўп чиқмоқда.

Текширувчиларнинг оиламизнинг ўртача ойлик даромадини ҳисоблашда турмуш ўртоғимнинг иш ҳақи суммасини иккига бўлиши тўғрими?

С.Абдурафиқова,
доимий ўқувчингиз.

– Бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа (кейинги ўринларда – нафақа) Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 15.02.2013 йилдаги 44-сон қарори билан тасдиқланган, кейинги ўринларда - Низом) билан тартибга солинади.

Низомнинг 8-бандига мувофиқ нафақа ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик жами даромад миқдори жами даромад аниқланаётган давр учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 баравардан ортиқ бўлмаган оилаларга тайинланади.

Нафақа тайинлаш учун ариза оила ушбу нафақани олиш истаги бўлган ойдан олдинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмай оила яшаётган жойдаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органига берилиши керак. Нафақа бундай ариза билан мурожаат қилинган ойнинг кейинги ойдан бошлаб тўланади.

Оила аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад, болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам олиш учун мурожаат қилинган ойдан олдинги охиригача уч ой учун ҳисоблаб чиқилган оиланинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир аъзосининг ўртача ойлик даромади суммасини оила таркибига киритилмаган оила аъзолари сонига бўлинган ҳолда аниқланади (Низомнинг 18-банди).

Сиз 1 июндан бошлаб нафақа олаётганингизни ёзгансиз. Демак нафақа олиш учун сиз 15 майгача мурожаат қилгансиз ва оилангиз аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад май ойдан олдинги уч ой – февраль, март, апрель ойлари учун ҳисоблаб чиқарилиши керак.

Шундан келиб чиқиб, сизнинг ҳолатингизда оила аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромадни ҳисоблашда турмуш ўртоғингизнинг ўртача ойлик даромади февраль, март, апрель ойларига тўғри келадиган жами иш ҳақи суммаси (агар у иш ҳақидан бошқа ҳеч қандай даромадлар олмаган бўлса) – 1 097 283 сўмни уч ойга бўлиш йўли билан аниқланиши керак.

Жавобни экспертмиз
Римма СОЛОДОВНИКОВА тайёрлади.

Бизнинг корхона билан экспресс-почта хизмати кўрсатувчи корхона ўртасида қиймати валютада кўрсатилган шартнома имзоланди. Ушбу шартномага асосан бизга хизматларни кўрсатувчи корхона АҚШ доллари миқдорида, унинг сўмдаги эквивалентини кўрсатган ҳолда ҳисобварақ-фактура расмийлаштиради. Биз хизматлар учун тўловни тўлов амалга оширилган кундаги Марказий банк курси бўйича сўмдаги эквивалентда ўтказиб берамиз.

2013 йилнинг январь ойида биз хизмат кўрсатувчи корхонага 5 000 минг сўм ўтказиб бердик, июль ойида эса бизнинг сўров хатимизга асосан улар бизга 3 000 минг сўмни қайтарди.

1. Қайд этилган олдиндан тўлов суммаси ва бизга сўмда қайтарилган маблағлар суммаси Марказий банкнинг қайси кундаги курси бўйича ҳисобга олинади?

2. Бизда ҳосил бўлган олдиндан тўловнинг қолдиқ суммаси ойнинг охиригача кунда қайси кундаги курс бўйича қайта ҳисоблаб чиқилади?

ВАЛЮТА КУРСИНИНГ ҲИСОБИДА АДАШМАНГ

– 1. Хорижий валютада амалга ошириладиган операциялар бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби» 22-сон БҲМС ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга (АВ томонидан 17.09.2004 йилда 1411-сон билан рўйхатдан ўтказилган, кейинги ўринларда – 1411-сон Низом) асосан чет эл валютасида ифодаланган хўжалик операциялари, активлар ва мажбуриятларни сўмга қайта ҳисоблашда Марказий банк томонидан ўрнатилган чет эл валютасининг сўмга нисбатан курсининг ўзгаришига қараб ижобий ёки салбий курс фарқи юзага келади. Шундан келиб чиқиб, чет эл валютасидаги операциялар ушбу валютанинг сўмга нисбатан Марказий банкнинг операция амалга оширилган санасидаги курси бўйича сўмда қайта ҳисобланиши лозим.

Курс фарқларини олиб боришда қўлланиладиган усуллар хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сийсатида акс эттирилиши лозим.

Жамғариш усулини қўллаш натижасида жамғарилган курс фарқлари молиявий-хўжалик фаолият натижаларига қуйидаги тартибда олиб борилади:

а) чет эл валютасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича – уларнинг тўланиши (ёки ҳисобдан чиқарилиши) бўйича;

б) бошқа ҳолларда – балансининг тегишли валюта моддалари билан хўжалик операциялари амалга оширилиши бўйича.

Курс фарқларидан вужудга келган узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар ва харажатларнинг жорий қисмини ўтказиш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) ижобий курс фарқи бўйича вужудга келган узоқ муддатли кечиктирилган даромадларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 7230 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар" счёти;

кредит 6230 "Бошқа кечиктирилган даромадлар" счёти;

б) салбий курс фарқи бўйича вужудга келган узоқ муддатли кечиктирилган харажатларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 3290 "Бошқа кечиктирилган харажатлар" счёти;

кредит 0990 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар" счёти.

Сизнинг ҳолатингизда қайд этилган олдиндан тўлов суммаси ва

сизга сўмда қайтарилган маблағлар суммаси Марказий банкнинг операция амалга оширилган санасидаги курси бўйича ҳисобга олинади.

2. Маҳсулот (иш, хизмат)ларга чет эл валютаси эквивалентида баҳо белгилайдиган, тўловларни эса, миллий валюта – сўмда оладиган хўжалик юритувчи субъектлар, маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш санасидан тўлов келиб тушган (амалга оширилган) санасигача бўлган даврда Марказий банк курсининг ўзгариши сабабли вужудга келган ижобий курс фарқини 9540 "Валюталар курслари фарқидан даромадлар" счётида, салбий курс фарқини эса 9620 "Валюталар курслари фарқидан зарарлар" счётида акс эттиради (1411-сон Низомнинг 13-банди). Хўжалик юритувчи субъектлар балансининг валюта моддаларини ҳар ой ҳисобот ойнининг охиригача санаси ва хўжалик операцияларини амалга ошириш санасида Марказий банк курси бўйича қайта баҳолашни амалга оширади (1411-сон Низомнинг 17-банди).

Қайта баҳолаш ва курс фарқларини аниқлаш мақсадида балансининг валюта моддаларига қуйидагилар киради:

а) кассадаги, банкдаги депозит ва ссуда счётларидаги валюта маблағлари, шу жумладан аккредитивлар;

б) чет эл валютасидаги пул ҳужжатлари;

в) чет эл валютасида ифодаланган қисқа муддатли ва узоқ муддатли инвестициялар;

г) чет эл валютасида ифодаланган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, кредитлар ва пул қарзлар.

Демак, сизнинг ҳолатингизда сизда ҳосил бўлган олдиндан тўловнинг қолдиқ суммаси ҳар ойдаги ҳисобот ойнининг охиригача санасида Марказий банк курси бўйича қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Балансининг валюта моддаларини ҳар ой қайта баҳолаш натижасида вужудга келадиган курс фарқлари тўғри олиб бориш усули қўлланилганда молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига ҳисобдан чиқарилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги счётларда акс эттирилади:

а) ижобий курс фарқи – 9540 "Валюталар курслари фарқидан даромадлар" счётининг кредити бўйича;

б) салбий курс фарқи – 9620 "Валюталар курслари фарқидан зарарлар" счётининг дебети бўйича.

Жавобни экспертмиз
Ғуломжон ТўЛАГАНОВ
тайёрлади.

ТУГАТИШ ЖАРАЁНИДА МОЛ-МУЛКНИ ТАҚСИМЛАШ

МЧЖ ихтиёрий равишда тугатилмоқда. Корхона 2013 йилда ишлаб чиқарилган иккита енгил автомобилга эга. Биз машиналарни икки муассис ўртасида тақсимламоқчимиз. Буни қандай амалга оширсак бўлади?

**Н.Вепренцев, ҳаммуассис.
Зарафшон ш.**

– Даставвал муассислар ўртасида жамият устав фондида киритган улушларига мутаносиб равишда мол-мулкни тақсимлаш ҳамда автомобилнинг маркаси ва қолдиқ баланс қийматини кўрсатган ҳолда уларнинг ҳар бирига тегишли бўлган машинани бериш ҳақида қарор қабул қилиш лозим. Мазкур масала муассисларнинг умумий йиғилишида ҳал этилади ва жамият тугатилаётганда унинг муассислари ўртасида мол-мулкни тақсимлаш ҳақидаги баённома билан расмийлаштирилади.

Сўнгра Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида йўриқнома (адлия вазирининг АВ томонидан 30.03.2010 йилда 2090-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган) III боби 16-параграфида мувофиқ нотариал идорада тугатилаётган юридик шахсга тегишли бўлган мол-мулкни унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги шартномани тасдиқлаш лозим. Бунинг учун сиз нотариусга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишингиз керак:

- юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари;
- муассислар (иштирокчилар)нинг қарори;
- муассислар (иштирокчилар) томонидан рўйхатдан ўтказувчи органга юборилган ёзма хабар;

• юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган тугатувчини - тугатиш комиссияси ёки жисмоний шахснинг тайинланганлиги, тугатиш тартиби ва муддатлари белгиланганлиги тўғрисидаги юридик шахс муассисларининг (иштирокчиларининг) умумий мажлис баённомаси ёки органнинг қарори;

• тугатувчининг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат;

• муассислар (иштирокчилар)нинг устав фондидаги (капиталидаги) ҳиссалари шаклланганлиги ҳақидаги маълумотнома;

• дебитор ва кредиторлар рўйхати;

• юридик шахсни тугатилиши ҳақида кредиторларни ёзма равишда хабардор қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжат;

• тугатилаётган юридик шахснинг молия-хўжалик фаолияти текширилганлиги ҳақидаги тегишли давлат солиқ хизмати органининг текширув маълумотномаси;

• юридик шахснинг тугатилиши ҳақида ОАВга берилган эълон нусхаси;

• охириги молиявий ҳисобот йилига бўлган бухгалтерия баланси;

• тугатилаётган юридик шахснинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот;

• тақсимланаётган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

• мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги тўғрисидаги тегишли давлат нотариал идорасининг маълумотномаси;

• мол-мулкнинг инвентаризация далолатномаси;

• тугатилаётган юридик шахснинг оралиқ тугатиш баланси ва тугатиш баланси;

• тугатилаётган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланган мол-мулкнинг топшириш ва қабул қилиш далолатномаси;

• муассислар умумий йиғилишининг жамиятни тугатиш ҳақидаги ва муассислар ўртасида мол-мулкни тақсимлаш ҳақидаги баённомалари;

• автомобиллар ва “Агрегатлар мувофиқлиги ҳақида” муҳри қўйилган уларнинг техник паспортларини топшириш ва қабул қилиш далолатномалари;

• муассисларнинг паспорти ва давлат божи тўланганлиги ҳақидаги квитанция.

Тегисли шартномалар тасдиқлангандан кейин ДЙХХХга мурожаат қилиш лозим, у ерда сизга ариза намунасини беришади. Бундан кейин эса сиз мудрофаа ишлари бўйича туман бўлимида мазкур аризага автомобилларни ҳисобдан чиқарилганлиги ҳақида муҳр қўйдиришингиз ва ДЙХХХга автомобилларни рўйхатдан ўтказиш учун зарур ҳужжатларни тақдим этишингиз лозим.

ҲАММАСИНИ ШАРТНОМАДА ҚАЙД ЭТИШ КЕРАК

Хўжалик шартномасида тарафларнинг шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолда жавобгарлигини қайд этиш мажбурийми? Унда айни вақтда жазо чоралари – жарима ва пеняни кўрсатиш мумкинми? Қандай ҳолларда жаримани, қандай ҳолларда пеняни кўрсатиш лозим?

М.Курязова, МЧЖ бош бухгалтери.

– Хўжалик шартномасида шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлиги назарда тутилиши керак. Ушбу талаб “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг (29.08.1998 йилдаги 670-I-сон, бундан кейин – Қонун) 10-моддасидан келиб чиқади.

Шартномага неустойка шартини киритишнинг муҳимлигини бир қатор омиллар тақозо этади. Биринчидан, бу ҳол кредиторни мажбуриятларни бажармаслик келтирган зарарларни исботлаш заҳматидан халос этади, зеро Фуқаролик кодекси (бундан кейин – ФК) 260-моддасининг иккинчи қисмига кўра неустойка тўлаш ҳақидаги талаб бўйича кредитор ўзига етказилган зарарни исботлашга мажбур эмас. Иккинчидан, шартномада белгиланган неустойка мажбуриятларни бажаришни таъминлаш усули ҳисобланади ва уларнинг тарафлар томонидан лозим даражада бажарилишига таъсир кўрсатади.

Жарима санкцияларида жаримани ҳам, пеняни ҳам бир вақтнинг ўзида кўрсатиш мумкин, бироқ ҳар бир мажбуриятларни бузишлар алоҳида бўлиши керак. Масалан, товарлар етказиб бериш муддатларини кечиктирганлик учун етказиб берувчи пеня, бутланмаган товарларни етказиб берганлик учун эса жарима тўлайди. Мажбуриятни биргина бузганлик учун жарима ёки пеня тарзида неустойка тўлаш назарда тутилиши керак. Яъни шартномада, масалан, товарларни етказиб бериш муддатини кечиктирганлик учун кечиктиришнинг ҳар бир куни учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5%и миқдорда пеня ва, бундан ташқари, яна жарима ҳам кўрсатилмаслиги керак.

Қарздор мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда тўлайдиган ва, қоида тариқасида, қатъий пул суммасида ҳисобланадиган не-

устойка жарима ҳисобланади (ФКнинг 261-моддаси). Шу тариқа, жарима деганда шартнома неустойкаси тури сифатида шартнома мажбуриятларини бузган шахс тўлайдиган бир марталик пулли тўловни тушуниш мумкин. У одатда қуйидаги ҳолларда солинади:

агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса;

бутланмаган товарларни етказиб бериш учун;

марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун;

жўнатилган товарларга оид тўлов ёки товар-транспорт ҳужжатларининг нусхасини белгиланган муддатда юбормаганлик учун;

товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асосиз равишда рад этганлик учун (Қонуннинг 31-моддаси).

Пеня деб қарздор томонидан мажбуриятларни бажариш кечиктириб юборилганда тўланадиган ва муддатни кечиктиришнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига фоизли нисбатда ҳисоблаб чиқариладиган неустойка эътироф этилади. У одатда қуйидаги ҳолларда ҳисоблаб ёзилади:

товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда;

товарларга ҳақ ўз вақтида тўланмаганлиги учун (Қонуннинг 25-моддаси).

Мен янги ташкил этилган МЧЖнинг ягона муассисиман. Унинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолияти ҳозирча юритилмаяпти, чунки лицензиялаш таомили жуда мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён. Ҳозирча МЧЖ директорига иш ҳақи тўлаш учун маблағларимиз йўқ. Мен уни исталган вақтда ишга қабул қила оламанми ёки буни МЧЖ давлат рўйхатидан ўтказилган кун қилиш лозимми?

**Д.Тарханов, бошловчи бизнесмен.
Қарши шахри.**

ЯНГИ КОРХОНАГА ДИРЕКТОР ҚАЧОН ТАЙИНЛАНАДИ

–Афсуски, бундай вазият амалиётда тез-тез учрайди. Мазкур масалани ҳал этишда биринчи навбатда ҳуқуқий меъёрларга, ундан кейингина эса иқтисодий мулоҳазаларга амал қилиш керак.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг (6.12.2001 йилдаги 310-II-сон, бундан кейин – Қонун) 10-моддаси муассислар жамиятнинг ижро этувчи органларини (мазкур ҳолда янги барпо этилган жамиятнинг директори) тайинлашларини белгилайди. Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ жамиятнинг таъсис шартномасида (сизнинг ҳолатда - қарорида) жамият органларининг таркиби белгиланади. Шу сабабли МЧЖни барпо этиш тўғрисидаги қарор билан сиз директорни тайинлашингиз керак эди. Меҳнат кодекси (МК) 82-моддасининг иккинчи қисмига кўра корхона раҳбарини ишга қабул қилиш корхона мулкни эгасининг ҳуқуқи ҳисобланади ва у томонидан бевосита, шунингдек ўзи вакил қилган органлар орқали ёки корхонани бошқариш ҳуқуқи берилган корхона кенгаши, бошқаруви ёхуд бошқа органлар орқали амалга оширилади. Бунда ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансбдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганлигидан қатъи назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади (МК 82-моддаси олтинчи қисми). Директорни тайинлаш уни амалда ишга қўйишни билдиради. Фақат у тайинланганидан кейин тегишли тартибда жамият рўйхатдан ўтказилади ва молия ҳужжатларини имзолаш ҳуқуқи расмийлаштирилади.

Бироқ, Фуқаролик кодексининг (ФК) 41-моддасига биноан юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати у тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади ва уни тугатиш якунланган пайтдан (юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига ёзув киритилгандан) эътиборан тугатилади. ФКнинг 44-моддасига мувофиқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади. Ушбу меъёрлардан келиб чиқилганда юридик шахс фақат у давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлабгина барпо этилган ҳисобланади ва фақат шу пайтдан бошлабгина у барча турдаги, шу жумладан меҳнат шартномаларини тузишга ҳақлидир. Шу тариқа, ташкилот раҳбари билан меҳнат шартномаси юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тузилиши керак.

Бундан ташқари, тегишли лицензия олинганга қадар жамият ўзининг асосий фаолиятини амалга ошира олмаслигига қарамай, директорнинг хизмат вазифалари тақозо этадиган унинг иш ҳажми барибир бўлади. Ҳар қандай ҳолда солиқ органлари ва статистика органларига ҳисобот топширилиши, лицензия олиниши лозим.

Шу сабабли янги барпо этилган корхона директори билан меҳнат шартномасини юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тузиш лозим. Мазкур ҳолда корхона мулкдорига тавсия қилиш мумкин бўлган ягона маслаҳат шуки, у билан иш ҳақи миқдорини бажариладиган иш ҳажмига мутаносиб равишда, бироқ қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақидан паст бўлмаган миқдорда бўлишини келишиб олиш мумкин.

Бундан ташқари, лицензияланадиган фаолият билан шуғулланишга қарор қилган тадбиркорларга устав фондиди шакллантириш чоғида тегишли лицензия олиш ва фойда олиш бошлангунга қадар директорнинг меҳнат ҳақини тўлашнинг эҳтимолий харажатларини ҳисобга олишни маслаҳат берамиз.

Алексей НИЯЗМЕТОВ, юрист.

ЎРИНДОШ ХОДИМА ДАМ ОЛИШГА ҲАМ, ТУҒИШГА ҲАМ ҲАҚЛИ

Мен МЧЖда 10 йилдан кўп вақтдан бери ўриндош бўлиб ишлайман. Ана шу вақтнинг ҳаммасида менга таътилга чиқишга рухсат беришмаган эди. Энди мен декрет таътилига чиқмоқчиман. Декрет ва таътил пулларини тўламаслик учун мени ҳомиладорлигимда ишдан бўшатишлари мумкинми?

Агар иш берувчим менга бу таътиллار учун ҳақ тўлашни хоҳламаса, қаерга ва кимга мурожаат қилишим мумкин?

Л.Набиева.
Тошкент шаҳри.

— Ҳозирги вақтда амал қилаётган Меҳнат кодекси (бундан кейин — МК) иш берувчиларга бирор-бир асосга кўра ўриндошларнинг меҳнат ҳуқуқларини камситиш ҳуқуқини бермайди. Улар билан меҳнат муносабатларини ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида низом (ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган, бундан кейин — Низом) белгилайди. Уни тартиб бўйича таҳлил қилиб кўрайлик.

МЕҲНАТ қонунчилигида йиллик меҳнат таътиллари беришда навбатлиликини белгилаш чоғида аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш муносабати билан кафолатлар назарда тутилган. МК 143-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ аёлларга, шу жумладан ўриндошлик бўйича (ташқи ва ички ўриндошлик бўйича) ишлаётган аёлларга, уларнинг хоҳишига кўра йиллик меҳнат таътили асосий ишда ва айни вақтда ўриндошлик бўйича ишда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил олди-дан ёки ундан кейин, иш (лавозим) жойи ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда, мазкур иш берувчидаги иш стажидан қатъи назар берилади.

Бунинг маъноси шуки, асосий иш жойида амал қиладиган, мазкур иш берувчида таътиллари беришнинг навбатлилигини (МКнинг 144-моддаси) ва узлуксиз иш стажини (МК 142-моддасининг биринчи қисми) тўғрисидаги қоидаларни ўриндошликка қўллаб бўлмайди.

МК 143-моддаси қоидаларининг таҳлили кўрсатишича, иш берувчи ўриндош ҳомиладор аёлга йиллик асосий таътил ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича

таътилни асосий иш жойидаги таътиллари билан бир вақтда бериши ШАРТ. Уларга чиқиш учун ходим ҳужжат (масалан, асосий иш жойи бўйича таътил тўғрисидаги буйруқдан, таътиллари жаъвалидан кўчирма, меҳнатга лаёқатсизлик варақасидан нусха ва ҳоказоларни) тақдим этиши керак.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўриндошлар ўриндошлик асосидаги иш жойи бўйича вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси олиш, аёллар эса ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари олиш ҳуқуқига эгадир. Соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси уларни олиш учун асос ҳисобланади (Низомнинг 18 ва 19-бандлари).

Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тўлаш мажбуриятидан бўйин тов-лаш мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима солишга олиб келишини ёдда тутиш керак (Маъмурий жавобгар-лик тўғрисидаги кодекснинг (МЖТК) 49³-моддаси). Маъмурий жазо иш берувчини берилмаган нафақаларни тўлашдан озод қилмайди.

ЭНДИ ўриндош ҳомиладор аёлни ҳомиладорлик ва туғиш таътилига ҳақ тўламасдан ишдан бўшатиш мумкин-лиги ҳақида.

Иш берувчининг ташаббуси билан ҳомиладор аёл (у асосий ходим ёки ўриндош бўлишидан қатъи назар) би-лан меҳнат шартномасини бекор қилиб бўлмайди (МКнинг 237-моддаси). Корхо-



нани тугатиш ва муддати тугаши муноса-бати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш бундан мустасно. Шунинг учун асо-сий бўлган ходим ишга қабул қилинганда ўриндошни ишдан бўшатишга йўл қўядиган МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 5-банди ўриндош ҳомиладор аёлга нисбатан амал қилмаслигига эътибор бериш лозим. Бун-дай ходим билан ўриндошлик бўйича меҳнат шартномасини тузаётганда ана шу шартларнинг ҳаммасини ҳисобга олиш керак.

ХОДИМ бундан аввалги барча иш ҳаврлари учун, яъни 10 йилдан кўпроқ давр учун (сиз ўз мурожаатингиз-да кўрсатганингиздек) фойдаланилмаган таътил кунларини унга берилишини талаб қилишга ҳақлидир. Агар қонунни (МК 143-моддасининг бешинчи қисмини) бузиб, иш берувчи ходимга бир неча йил мобай-нида таътил бермаган бўлса, ходим унга бўлган ҳуқуқни йўқотмайди, чунки меҳнат қонунчилигида таътил бериш талаби бўйича даъво қилиш муддати белгиланмаган.

Шу сабабли Меҳнат кодекси иш бе-рувчини ходим ишдан бўшаган тақдирда барча фойдаланилмаган йиллик асосий

ва қўшимча таътиллари учун, ҳатто агар у кейинги 10 йил ва ундан кўп вақт бирор мар-та ҳам таътилдан фойдаланмаган бўлса-да, пулли компенсация тўлашга мажбур этади (МК 151-моддасининг биринчи қисми, 275-моддасининг иккинчи қисми).

Шуни билиш лозимки, йиллик меҳнат таътилини олиш ҳуқуқини нафақат меҳнат қонунчилиги, балки Ўзбекистон Республи-касининг Конституцияси ҳам кафолатлай-ди. Шу сабабли агар ходим барча ишлаган йиллари учун ҳақ тўланадиган таътил олиш (меҳнат шартномасини бекор қилмаган ҳолда) ниятида бўлса, иш берувчи ушбу талабни қондириши шарт.

Йиллик меҳнат таътиллари бериш бўйича қарзни сўндириш учун ходим билан келишувга келишни тавсия қиламиз. Бундан олдинги иш даврлари учун таътиллари асо-сий иш жойидаги таътил билан бир вақтда берилиши мумкин, бироқ кўп муддатга ва дарҳол бир неча йилга (масалан, 2 иш йили ёки 3 иш йили учун ва ҳоказо) берилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН қонун ҳужжатларида меҳнат муносабатлари бобидаги ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконини берадиган таомиллар белгиланган. Иш берувчи томонидан биз юқорида баён эт-ган талабларнинг бажарилмаслиги меҳнат қонунчилигини бузиш деб баҳоланади ва жавобгарликка олиб келади.

Агар сиз ихтилофларни иш берувчи би-лан мунозаралар йўли билан мустақил ра-вишда ёки ўз вакилингиз иштирокида ҳал эта олмасангиз, сиз ариза билан меҳнат қонунчилиги тўғри қўлланмаётганлигини текширишни ўтказиш мақсадида меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилишини назорат қилишни амалга оширадиган, иш берувчи жой-лашган ердаги Давлат меҳнат ҳуқуқи инспекцияси ёки прокуратурага (ту-ман ёки шаҳар миқёсидаги) мурожаат қилишингиз мумкин. Текшириш давомида ушбу ҳолатлар аниқланганда иш берувчи меҳнат қонунчилигини бузганлик учун унга ЭКИХнинг 2 бараваридан 5 бараварига-ча миқдорда жарима солиш кўринишида маъмурий жавобгарликка тортилиб, сиз-нинг меҳнат ҳуқуқларингиз тикланиши мумкин (МЖТКнинг 49-моддаси).

ТАҲСИЛ ОЛИБ КЕЛДИНГИЗМИ – ИШЛАБ БЕРИНГ!

Компаниямиз ходимини кейин камида 3 йил ишлаб бериш шартин билан хорижий мамлакатлардан бирига 6 ой ўқиб келишга юбормоқчимиз. Биз ишлаб беришнинг бундай мудда-тини белгилашимиз мумкинми ва мазкур муносабатларни қандай қилиб тўғри расмийлаштира бўлади?

Татьяна.
Тошкент шаҳри.

— Меҳнат кодексининг (бун-дан кейин — МК) 104-моддасига мувофиқ фақат муддатли меҳнат шартномасида уни муддатидан олдин бекор қилганлик учун тарафларнинг неустойка тўлаши ҳақидаги ўзаро мажбуриятла-ри назарда тутилиши мумкин, бунга кўра, агар меҳнатга оид муносабатлар ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ бўлмаган асослар бўйича (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 1, 2, 5, 6, ва 7-бандлари) иш берувчининг ташаббуси би-лан бекор қилинган бўлса, иш берувчи ходимга неустойка тўлайди, агар меҳнатга оид му-носабатлар ходимнинг ташаббу-си билан (МКнинг 99-моддаси),

шунингдек ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлари билан (МК 100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари) боғлиқ асослар бўйича бекор қилинган бўлса, ходим иш берувчига неустойка тўлайди. Агар меҳнат шартно-масида неустойканинг миқдори белгилаб қўйилмаган бўлса, тарафлар уни тўлашдан озод эти-ладилар.


Ушбу мажбуриятнинг асосий аҳамияти — шартнома тараф-лари томонидан унинг муддати тўғрисидаги шартлар бажарили-шини таъминлаш.

Муддатли меҳнат шартнома-си мазмунига неустойка тўлаш тўғрисида ўзаро мажбуриятнинг киритилиши унинг тарафла-

ри ҳуқуқидир. Бинобарин, агар мазкур мажбурият шартномада шарт қилиб қўйилмаган бўлса, меҳнатга оид муносабатларнинг ходим ташаббусига кўра ҳам, иш берувчининг ташаббусига кўра ҳам шартнома муддатининг тугашига қадар бекор қилиниши одатдаги тартибда неустойка тўламасдан амалга оширилади. Бу — умумий қоида.

Сизнинг ҳолатингизда, яъни компанияда ишлаётган ходим-ни таълим олишга юборишни режалаштиришингизда, МК 75-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилиги билан шар-тноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадар у муддатидан ол-дин бекор қилинганда тарафлар-нинг неустойка (ходимни ўқитишга сизнинг харажатларингиз)ни тў-лаш тўғрисидаги мажбурияти би-лан қайта тузилиши мумкин.

Одатда, ишлаб бериш муд-датини муддатли меҳнат шарт-



номаларининг 5 йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга ту-зилиши мумкинлиги (МКнинг 75-моддаси) қондасидан келиб чиқиб белгилаш тавсия этилади. Агар таълим олиб келган хо-димлардан бирортаси узрли сабабларсиз шартномада қайд этилган муддат тугашига қадар ишдан бўшаса, ушбу ходим иш берувчи томонидан уни ўқитишга

сарфланган харажатларни тўла-ши шарт.

Ушбу шартномада неустойка тўлаш тартиби белгиланиши мум-кин. Хусусан, уни дарҳол ёки муайян давр мобайнида қисмларга бўлиб тўлаш назарда тутилиши мумкин.

Бунда тарафлардан бири неустойка тўлашдан бош торт-са, уни ундириш суд тартибида амалга оширилади.

Детектив қиссалар, адоқсиз сериаллардан барчага шу нарсаяхши маълумки, жиноят содир этилган жойдан экспертлар кўп ҳолларда бармоқ изларини топадилар. Аслида ҳақиқий ҳаётда ҳам шундай бўлади. Экспертлик амалиётимизда эса аҳён-аҳёнда бўлса ҳам оёқ излари билан иш олиб боришга тўғри келади.

Криминалистика дарсликларидида оёқ изларини алоҳида гуруҳга ажратишган. Зотан бу йўсиндаги излар бағоят ранг-барангдир. Бунга аввало ялангоёқ излари киради – товон терисида қўллардаги каби фақат ўша шахснинг ўзига хос чизиқлар, излар бўлади. Пайпоқчан оёқ излари, кийилган пойабзал излари ҳам шу гуруҳга мансубдир. Табиийки, ҳозирги кунда жиноятчилар қилмишни ялангоёқ содир этмайдилар. Шу сабабли ҳам эндиликда асосан пойабзал излари учрайди.

Қотилликни тергов қилишда айна пойабзал изи муҳим роль ўйнаган бир иш хотирамда муҳрланиб қолган. Бу воқеа анча олдин, олис туманлардан бирида рўй берган эди. Ўшанда кекса эр-хотинни қишлоқ чеккасидаги ўз уйида ўлдириб кетишган. Ҳар иккаласини ҳам пичоқ билан бир неча жойидан жароҳатлашган. Полда ва деворда қон доғлари кўп. Туман терговчиси жиноят содир бўлган жойни кўздан кечириш асносида дераза тоқчасида қолдирилган қонли пойабзал изига эътибор қаратди. Жиноятчи уйни дераза орқали тарк этаётди, ана шу изни қолдирганлиги аниқ. Навбатчи эксперт изни суратга олгач, терговчига трассологик экспертиза ўтказиш учун дераза тоқчасининг бир қисмини изи билан олишни маслаҳат берди: фотосуратда ана шу изни қолдирган пойабзални тавсиф этувчи деталлар етарлича яхши кўринмаслиги мумкин.

Дарвоқе, бу ерда шахсни идентификация қилишда иш берадиган бармоқ излари топилмади. Қотиллик содир этилган қурол – овчилар пичоғи эса полда ётарди. Унинг дастасидаги қон суркалиб кетганлиги боис ундаги бармоқ излари идентификация қилиш учун яроқли эмасди.

Воқеа содир бўлган жойни дастлабки кўздан кечиришдаёқ қотиллик талон-торож қилиш мақсадида содир этилган деган тусмолга борилди. Бу нарсая кейинчалик тергов жараёнида ўз тасдиғини топди. Уйдаги ҳамма нарсая остин-устун қилиб ташланганлиги, ҳатто тўшак ва ёстиқлар пичоқлаб ёрилганлиги ҳам шундан далолат берар эди. Уйдан ниманидир излашганлиги аниқ. Икки пенсионер яшайдиган уйдан умр бўйи тўпланган пул-у уй бекасининг қандайдир заргарлик тақинчоқларидан бўлак нимани ҳам излаш мумкин! Ҳаёти бу йўсин хотима топганларнинг кейинчалик чақиртирилган қариндош-уруғлари чол-кампирининг тўплаб юрган пуллари, шунингдек тилла ва қумуш тақинчоқлари йўқолганлигини тасдиқладилар. Уларнинг қизи онасига тегишли тақинчоқларнинг кўринишини тав-

сифлаб берди. Қаттоллар транзисторни ҳам ола кетишгани ҳам эсимда.


Даставвал бизга бўялган дераза тоқчасининг бир бўлаги экспертиза учун тақдим этилди. Унда чап оёқдаги пойабзал пошнасининг қонга беланган изи бор эди. Изнинг ўлчамига қараганда, у эркаклар пойабзалига тегишлидир. Пошнадаги жилкор-нақшинкор из аниқ кўриниб турарди. Уни маълумотнома йўсинидаги криминалистика адабиётларидаги мавжуд ҳар хил пойабзал пошналаридаги из намуналари билан қиёслаш қотилликка дахлдор из кирза этикка тегишли эканлигини кўрсатди. Махсус услубият ёрдамида этикнинг 43-ўлчамда эканлиги аниқланди. Афсуски, из бир пойники, бунинг устига у биттагина эди. Агар излар бир неча бўлганида уларни қолдирган одамнинг бўй-бастини тақрибан бўлса ҳам аниқлаш мумкин эди.

тўлаган. Ҳолбуки, бир кун олдин ёнида сариқ чақаси ҳам йўқ экан.

Терговчи гумон қилинаётган шахснинг уйида тинтув ўтказишга қарор қилиб янглишмабди: уйдан 43-ўлчамдаги кирза этик ва қотиллик содир бўлган жойдан ўғирлаб кетилган маркадаги транзистор топилди. Чўнтагида эса ишламаётган одам учун ҳаддан ортиқ деса бўладиган кўп миқдорда пул бор эди. Уйнинг ҳолироқ жойидан пенсионерлар хонадонидан ўғирланган тақинчоқлар жуда ўхшаш бўлган тилла ва қумуш тақинчоқлар топилди.

Буларнинг ҳаммаси талаб даражасида расмийлаштирилган ҳолда олиб қўйилди.

Мархумларнинг қизи тақинчоқларни кўриши билан онасиники эканлигини таниди, ота-онасида ҳам айна шундай транзистор бўлганлигини ҳам айтди.




пертиза тайинлаган экан. Биолог экспертлар этик пошнасининг нақшинкор излари ўймаларидаги қотиб қолган жинслардан намуна олиб, таркибида инсон қони борлигини ва у айнан қотиллик қурбони бўлган кампир қони мансуб бўлган гуруҳга тегишли эканлигини аниқлади. Башарти ўша йиллари ДНК экспертизаси ўтказиш имконияти бўлганда борми, пойабзалдаги қон излари вафот топган аёл қони билан бир гуруҳга тегишли эканлигини аниқлашдан ташқари, индивидуал мансубликни ҳам аниқлаб берган бўлар эди.

Аслида тўпланган далиллар бусиз ҳам жиноятчини фош этарди. Уни ҳибсга олиб, судга беришди. Суд ўша кезлардаги энг оғир жазони тайинлади. Ота-онасидан бериўла жудо бўлган қиз хувиллаб қолган уйни тез орада сотиб юборди: бир пачка пул ва тақинчоқлар учун ота-онаси ўлдириб кетилган уйда яшаш у ёқда турсин, киришга ҳам юраги дов бермасди унинг...

Ольга МАРШАНСКАЯ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Республика суд экспертизаси
марказининг
давлат суд эксперти.

ИШГА ЕЧИМНИ ОЁҚ ИЗЛАРИДАН ИЗЛАБ



Текшириш ишлари шуни кўрсатдики, дераза тоқчасида қолдирилган изда оёқ кийимининг тури ва катта-кичиклигини аниқлаш мумкин бўлган умумий белгилардан ташқари этикли жиноятчидагина хос индивидуал белгилар акс этган бўлиб, уларнинг жами мазкур изни идентификация қилишда қўл келарди. Бошқача қилиб айтганда, гумон қилинаётган шахсда тегишли пойабзал топилган тақдирда қонли из айна шу пойабзалдан қолдирилган қолдирилмаганлигини аниқлаш мумкин эди.

Терговчи мазкур хулосани олгач, ҳам хурсанд, ҳам хафа бўлди. Пойабзалнинг тури ва катта-кичиклиги аниқланганлиги, из идентификация қилиш учун яроқли эканлигидан мамнун бўлган эса-да, ўша кезларда қишлоқда деярли барча эркаклар шундай этикда юришлари уни ўйга толдирди. 43-ўлчамдаги этик эса кўпчилик киядиган пойабзал саналарди. Бироқ тезкор йўл билан жиддий тарзда гумон қилса бўладиган одам аниқланди. У илгари ҳам талон-торож учун судланган бўлса-да, тегишли сабоқ чиқармаган, ҳеч қаерда ишламас, уззу-кун ичиб юрарди. Қонунни турли йўсинда бузганлиги учун уни бир неча марта милиция бўлинмасига ҳам олиб келишган экан. Тезкор ходимлар чол-кампир ўлдирилганидан кейин бу шахс бирдан шубҳали тарзда бойиб кетганлигини аниқладилар. Ичиб олгач, у шишадошларини ажаблантириб, ёнидан бир пачка пул олиб «зиёфат» ҳақини

Айтмоқчи, криминалист эксперт транзисторнинг сиртида бир неча аниқ-тиниқ бармоқ изларини топди. Улар орасида гумон қилинувчининг бармоқ изларидан ташқари ўлдириб кетилган чолнинг ҳам бир неча бармоқ излари бор эдики, гумон қилинувчи аввалига зўр бериб ўзимники деб таъкидлаётган транзисторда чолнинг бармоқ излари бўлиши мутлақо тушунарсиз эди. Негаки, мўйсафид гумон қилинувчининг уйида ҳеч қачон бўлмаган.

Гумон қилинувчи этигининг чап пойини энди идентификация қилиш муддаоси билан, янги экспертиза ўтказиш учун бизга тақдим этишди. Ана шу этик пошнасининг нақшинкор изини бевосита, кейин эса пошнасининг эксперимент мақсадида қоғозга туширилган изи бўйича дераза тоқчасидаги из билан қиёслагач, умумий белгилари ҳам, хусусий белгилари ҳам батамом мос эканлигини аниқладик. Бинобарин текширилаётган из айна экспертизага тақдим этилган этик изидан қолдирилганлигини қайд этиш мумкин эди. Бу хулоса фотосуратлар орқали ҳам яққол исботини топди. Негаки, суратларда эксперимент учун олинган этик пошнаси изи ва нақшлари дераза тоқчасидаги изга тамоман мос эди.

Терговчи трассологик экспертиза ўтказгунимизга қадар этик пошнасидаги қон доғлари дераза тоқчасидаги қон доғларига тааллуқли эканлигини аниқлаш мақсадида суд-биологик экс-

ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел. (+998 90) 370-63-06.

ХИЗМАТЛАР

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: 556-61-31, 974-54-03.

1С: 7.7 Бухгалтерияга ўқитиш ва ўрнатиш. Тел. (+998 94) 326-89-92.

Архитектура лойиҳалари ва дизайн. Тел.: (+998 91) 162-60-17.

Картрижларни тўлдириш. UzKART, ОН-ЛАЙН терминаллар жойига чиқиш билан. Тел.: 235-19-91, 171-99-28, 162-34-55. www.likan.uz

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ
ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru,
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келавермайдиган.
Тахририят муштариолар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
«Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлдан кўчириш, тарқатишга фақат «Норма» газеталари бирлашган тахририяти» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета ношир – «Norma» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди
(Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).

Индекс – 186 бўйрғима 1240 Адади 2137. Баҳоси келишган нархда

Газета А3 ҳажмда, 2 шартли босма табақда чоп этилди.

Газета 2013 йил 4 ноябрда соат 17.30 да топширилди. ISSN 2010-5223